

АРАБ ТИЛИДА СЎЗЛАРНИНГ ТУРЛАНИШ ВА ТУРЛАНМАСЛИГИ (ЭЪРОБ ВА БИНО)

Артиков Исроил
ТошДШИ 2-курс магистранти

Аннотация

Ушбу мақолада магистрант Ортиқов И. Дунёда араб тилининг ҳозирги вақтдаги мавқеи, қўлланиш ўрни ва уни ўрганишининг аҳамияти ҳақидаги фикрларни олдинга сурган. Бундан ташқари араб тилида ҳаракатлар, эъроб (отларнинг флективлик хусусиятлари) нинг аҳамияти ва омиллар таъсирида отларнинг ўзгармаслик хусусиятлари “бино” тушунчаларининг шарҳи баён қилинган ҳамда турланадиган ва турланмайдиган отларнинг таснифи мисоллар билан шарҳланган.

Ҳозирги пайтда араб тили олти жаҳон тилининг бири ҳисобланади. ЮНЕСКО ахборотига кўра, ҳозирги кунда дунёда 5600дан ортиқ тил ва шевалар мавжуд. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кенгашларида иш юритиш учун қўлланадиган етти тилнинг биттаси араб тилидир. Бу тилда БМТ, Араб давлатлари лигаси, Форс кўрфази араб давлатлари кенгаши, ОПЕК ташкилоти, Араб тили академияси, Ислом робитаси ташкилотлари сингари бир қатор халқаро ташкилотларда кенгашлар, сессиялар ва мажлислар олиб борилади.

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, араб тилини ҳар томонлама мустаҳкам ўрганишимиз лозим бўлади. Айниқса унинг грамматик қоидаларига кучли эътибор қаратишимиз керак. Биз биламизки, араб тилини ўқишда асосий восита бу “ҳаракатлар”дир¹. Шу билан бирга ҳаракатлар бу маънодир. Бундан ташқари ҳаракатларни келишиклар деб ҳам айтамыз. Агар ҳаркатлар нотўғри қўйилса маъно тубдан ўзгариши мумкин. Ҳаркатлар араб тилида эъроб деб номланади. Араб тили грамматикасида эъробга катта эътибор берилади. Шу нуқтаи назардан сўзлар турланадиган ва турланмайдиган сўзларга бўлинади. Қуйида бу ҳақда сўз юритамиз.

I. Сўзлар гапда тартиб билан турганида ундан олдин ўтган омилларнинг ўзгариши билан уларнинг охири ўзгариши ёки (таъсир қилувчи) омиллар ўзгарса ҳам сўз охири ўзгармаслиги мумкин. Буларнинг биринчиси муъроб, яъни “турланиш” деб номланади ва иккинчиси мабний, яъни “турланмаслик” деб номланади. Омиллар таъсирида (сўз охиридаги) ўзгариш “эъроб”, яъни флексия деб

¹ Ҳаракат – бу ҳарфлар устига қўйиладиган белгидир.

номланади, омиллар таъсирида ўзгармаслик эса “бино”, яъни келишикларда ўзгармаслик деб номланади.

Эъроб – сўз охирида омил ифодаладиган белгидир. Сўзнинг охири омилнинг тақозосига кўра марфуъ (дамма-бош келишик), мансуб (фатҳа – тушум келишиги), мажрур (касра – қаратқич келишиги) ёки мажзум (сукун) бўлади.

Турланмаслик, яъни “бино” – сўзнинг охири, ундан олдин турган омиллар ўзгарса ҳам, унинг ҳаракати доим бир хил бўлади. Бундай сўзга ўзгартирувчи омиллар таъсир қилмайди.

II. Турланадиган ва турланмайдиган сўзлар (Муъроб ва мабний).

Муъроб деб, сўздан олдин турган омилларнинг ўзгариши билан сўз охирининг ўзгаришига айтилади. Масалан:

نحو: السماء، الأرض، الرجل، يكتب

Муъроб сўзлар жумласига муаннаслик нуни ва таъкид нуни қўшилмаган ҳозирги келаси замон феъли ва аксар исмлар киради. Мабний сўз эса охири доимо бир хил ҳаракатда турадиган ва ўзгармайдиган исмдир. Шу сўздан олдин келган омиллар ўзгарса ҳам у ўзгармайди. Масалан:

نحو: هذه، أين، من، كتب، اكتب

Мабний исмларга барча юкламалар, ўтган замон феъли, феълнинг буйруқ майли, таъкид нуни ёки муаннаслик нун қўшилган феъл ва баъзи исмлар киради. Феъллар ва юкламалар асли бино, яъни ўзгармасдир. Исмларнинг асли эса эъроб, яъни турланувчидир².

III. Турланмайдиган сўзлар(бино)нинг турлари.

Турланмайдиган сўз ўзининг охирини ўзгармас сукун билан тугатган бўлиши мумкин, масалан:

أكتب، لم،

Ёки ўзгармас даммага тугаган бўлади, масалан:

حيث، كتبوا

Ёки ўзгармас фатҳага тугаган бўлади, масалан:

كتب، أين

Ёки ўзгармас касрага тугаган бўлади, масалан:

هؤلاء

عباس حسن. النحو الوافي. دار المعارف بمصر. ص 275

Шунинг учун улар “сукунга ёки даммага, фатҳага ёки касрага мабний” (яъни бино қилинган), деб айтилади. Шундай экан бионинг тўрт хили бор: сукун, дамма, фатҳа, касра.

Исмлар ва юкламаларнинг охири қайси ҳаракатга бино қилинганини билиш учун қоида йўқ. Улар сўзловчиларнинг лафзини эшитиш ва саҳиҳ нақлларга кўра билинади. Улар даммага, фатҳага, касрага ёки сукунга бино қилинган бўлиши мумкин.

IV. Флексия (эъроб)нинг турлари

Флексиянинг тўрт тури бор: рафъ (бош келишик), насб (тушум келишиги), жарр (қаратқич келишиги), жазм (сукун). Муъроб феълининг охири рафъ, насб ва жазм ҳаракатлари билан ўзгаради. Масалан:

نحو: يَكْتُبُ، لَنْ يَكْتُبَ، لَمْ يَكْتُبْ

Муъроб сўзнинг охири рафъ, насб ва жар ҳаракатлари билан ўзгаради. Масалан:

نحو: العلمُ نافعٌ، رأيتُ العلمَ نافعاً
إشتغلتُ بالعلمِ النافعِ

Бундан бизга маълум бўлдики, рафъ ва насб кўриниши муъроб исм ва феълда бўлади, жазм муъроб феълга хосланган бўлса, жарр муъроб исмга хосланган бўлади.

V. Эъробнинг белгилари.

Эъробнинг белгилари ҳаракат, ҳарф ёки ҳазф қилиш (яъни тушуриб қолдириш) билан ифодаланади. Ҳаракатлар учта бўлади: дамма, фатҳа ва касра. Эъробни ифодаловчи ҳарф тўртта бўлади:

الالف، النون، الواو، الياء

ҳазф – бу ҳаракатнинг тушуриб қолдирилиши³ (сукун деб номланади), сўз охирининг тушуриб қолдирилиши ёки нунни тушуриб қолдиришига айтилади.

1. Рафъ аломатлари. Унинг тўртта аломати бор:

- дамма (الضمة)

يحب الصادقُ

- вов (الواو)

أفلح المؤمنون

- алиф (الالف)

يكرمُ التلميذان المجتهدان

- нун (النون)

³ Ҳазф – ҳаракатни тушуриб қолдириш.

تنطقون بالصدق

2. Насб аломатлари. Насбнинг бешта аломати бор:

- фатҳа (الفتحة)

- алиф (الالف)

-йай (الياء)

- касра (الكسرة)

- нуннинг тушириб қолдирилиши (حذف النون)⁴.

(нун – сўз тушум келишигида ёки сукун ҳолатида; ҳозирги замон феълига бирлик биринчи шахс қўшимчаси қўшилиб келганда; кўплик воқи ёки иккилик алифи қўшилиб келганида тушиб қолади)⁵.

نحو: جانب الشر فتسلم

أعطِ ذا الحق حقه

يحب الله المتقين

كان أبو عبيدة عمرُ بن الجراح

أكرم الفتيات المجتهديات

لنّ تنالوا البرّ حتي تنفقوا مما تحبون

3. Жаррнинг аломатлари. Жаррнинг учта аломати бор:

- касра (الكسرة)

تمسك بالفضائل

- йай (الياء)

أطع أمرَ أبيك

- фатҳа (الفتحة)

المرء بأصغريه: قلبه و لسانه

4. Жазм аломатлари. Жазмнинг учта аломати бор:

- сукун (السكون)

من يفعلُ خيراً يجد جيْراً

- сўз охирининг тушиб қолиши (حذف الآخر)

لا تدعُ إلا الله

- нуннинг тушиб қолиши (حذف النون)

قولوا خيراً تغنموا، واسكنوا عن شرّ تسلموا

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида келтирган қоидалар ва мисоллардан шу нарса маълум бўляптики, сўзларга таъсир қилувчи ҳар бир омилни яхши ўрганишимиз ва билиб олишимиз

⁴ – حذف النون – нунни тушуриб қолдириш.

⁵ عباس حسن. النحو الوافي. دار المعارف بمصر. ص 75

ложимдир. Чунки ҳаракатлар нотўғри қўйилса маъно тубдан ўзгариб кетиши мумкин.

